Тошкент ҳақиқати

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 139 (10.388).

1992 йил 1 октябрь пайшанба

Баҳоси 2 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

АСҚАР АКАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

● Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги делегация 29 сентябрь куни Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрига расмий ташриф буюрди.

Делегация таркибида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Т. Чингишев, Қирғизистон Республикаси Президент девони раҳбари, давлат котиби Э. Қорабоев, Жалолобод вилояти ҳокими Б. Осмонов, Ўш вилояти ҳокими Б. Сидиқов ва бошқа расмий кишилар бор.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев билан мамлакатимиз Президенти И. Каримов ўртасида музокаралар бўлади ҳамда иккала мустақил давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинади.

Меҳмонларни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Андижон вилояти ҳокими Қ. Холмирзаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.



Суратда: кутиб олиш пайти.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат. (ЎзА).

МАУНО КОЙВИСТО ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто жаноблари бошчилигидаги Финляндия ҳукумат делегацияси 30 сентябрь куни Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.

Финляндия ва Ўзбекистон байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МЕҲМОН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА

Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрган Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар Акаев бошлиқ ҳукумат делегацияси 29 сентябрь куни Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрига борди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлдилар.



Суратда: Қирғизистон делегацияси «Политотдел» жамоа хўжалиги далаларида.
В. Миленкий олган сурат. (ЎзА).

Ўзбек халқи қондош ва жондош қирғиз халқини азалдан ўз қадрдон оға-инисидек ҳурмат қилиб келган. Тарих жабҳаларида тобланган дўстлик бугунги кунда ҳам икки мустақил мамлакатнинг халқаро обрў-эътиборини яна ҳам оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис бугун Чирчиқ, Ғазалкент шаҳарлари аҳолиси ҳурматли меҳмонларни муборакбод этиш учун кўчаларга чиқишди.

Қирғизистонлик меҳмонлар Ғазалкентдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонада бўлдилар. Атлас либосидаги қизлар уларни юксак эҳтиром белгиси — нон-туз билан кутиб олишиб, анвойи гулдасталар тутишди.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Асқар Акаев ўзининг ширин-шакар маҳсулотлари билан элни сийлаб, ном чиқараётган қандолат цехини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар ишчиларнинг бозор иқтисоди даври қийинчиликларини қандай енгишаётгани билан қизиқдилар. Германиядан келтирилган ускуналар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Хамир қоришдан тортиб, уни кесиш, қуритиш ва тайёр маҳсулотларни идишларга жойлашгача бўлган жараёнларни автомат тарзда бажара оладиган «Вернер флейдерер» узатиш линияси меҳмонлар диққатини жалб қилди.

Корхона аҳли машиналар ёрдамида бир неча-кундузда 50 тонна хуштаъм ширинлик ишлаб чиқариш қувватига эга. Ёғ-мой, шакар маҳсулотларининг камчиллиги сабабли икки линиядан бири вақтинча тўхтаб турибди.

Қирғизистонлик меҳмонлар ускуналарни автомат бошқариш пульти мутахассислари билан суҳбатлашишди. Ислом Каримов уларнинг турмуш тарзи, маоши, корхонада уларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Шундан сўнг ҳурматли меҳмонлар Тошкент вилоятидаги «Политотдел» жамоа хўжалиги пахта далаларида бўлиб, деҳқонлар билан ҳам суҳбатлашдилар.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

29 сентябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигида расмий делегация аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва бошқа ҳукумат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралардан сўнг икки мустақил давлат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш хусусида ҳужжатлар имзоланди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев «Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида»ги шартномани имзоладилар.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ҳамда Қирғизистон Республикаси Бош вазири Т. Чингишев «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга қўл қўйдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов, Андижон вилояти ҳокими Қ. Холмирзаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, Қирғизистон Республикаси томонидан Қирғизистон Республикаси Президенти девони раҳбари, Давлат котиби Э. Қорабоев, Жалолобод вилояти ҳокими Б. Осмонов, Ўш вилояти ҳокими Б. Сидиқов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Ҳужжатлар имзолангач, И. Каримов ва А. Акаев матбуот конференцияси ўтказиб, журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Матбуот конференцияси ҳақидаги ҳисобот газеталарнинг кейинги сонида эълон қилинади.

(ЎзА).



Суратда: ҳужжатларни имзолаш пайти. (ЎзА).

АСҚАР АКАЕВ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 30 сентябрь куни ўз Ватанига жўнаб кетди.

Меҳмонларни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

(ЎзА).

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МАУНО ХЕНРИК КОЙВИСТОНИНГ

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Мауно Койвисто 1923 йил 25 ноябрда дурадгор Юхо Койвисто оиласида дунёга келди. М. Койвисто ўқиди ва шу билан бир вақтда ишлади. 1949 йилда етуклик шаҳодатномаси учун имтиҳон топширди. Мауно Койвисто биринчи марта 1982 йилда ва иккинчи марта 1988 йилда Финляндия Республикасининг Президенти этиб сайланди.



1948—1951 йиллар — Туркуда дурадгор, ҳаммол ва порт ишлари идорасининг бошлиғи бўлиб ишлади.

1951—1953 йилларда — халқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1953 йилларда — фалсафа номзоди ва фалсафа лиценциати даражаси берилди.

1954—1957 йилларда — касб танлаш масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади.

1956 йилда — докторлик диссертациясини ёқлади.

1958 йилда — Хельсинки ишчилар жамғарма банкининг директори.

1959—1967 йилларда — Хельсинки ишчилар жамғарма банкининг бошқарувчи директори.

1966—1967 йилларда — ҳукумат Давлат кенгашининг аъзоси.

1968—1982 йилларда — Финляндия Банки бошқарувининг раиси.

1972 йилда — молия вазири бўлиб ишлади.

1968—1970, 1979—1982 йилларда — Финляндия Республикасининг Бош вазири.

1947—1982 йилларда — Финляндия социал-демократик партиясининг аъзоси.

1957 йилда — Турку шаҳрида шаҳар вакили бўлди.

1978 йилда — Республика Президентини сайлашга вакил бўлди.

1970—1982 йилларда — «Постипанкки» банки бошқарувининг раиси.

1971—1982 йилларда — «Мортгейж бэнк оф финлэнд лтд» банки бошқарувининг раиси.

1970—1982 йилларда — «Тервакоски» акционерлик жамияти бошқарувининг раиси.

1970—1982 йилларда — «Спонсор» акционерлик жамияти бошқарувчилар кенгашининг раиси.

1969—1982 йилларда — «Теоллист амисрахсто» акционерлик жамияти бошқарувчилар кенгашининг раиси.

1970—1979 йилларда — халқаро валюта жамғармаси бошқарувчилар кенгашида Финляндия вакили.

1970—1982 йилларда — халқаро банк бошқарувчилар кенгашида Финляндия вакили.

1977 йилда — Турку университети ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1978 йилда — Турку «Абоакадеми» швед университетининг тижорат фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1983 йилда — Тампере университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1986 йилда — Хельсинки университети ижтимоий-сиёсий фанлар доктори.

1987 йилда — Прагадаги Карлов университети ҳуқуқ фанлар доктори.

1988 йилда — Эспоода политехникум техника фанлари доктори.

1990 йилда — Хельсинки университети фалсафа доктори.

Мауно Койвистога ватанининг олий орденлари ва кўпгина хорижий орденлар берилган.

М. Койвисто 1968—1988 йилларда бешта китоб ёзган. Уларнинг баъзилари швед тилига ҳам таржима қилинган. Унинг «Йўлдаги боскичлар» китоби рус тилида нашр этилган (1987 йил). Бу китоб инглиз ва немис тилларига таржима қилинган.

М. Койвисто фин ва швед тилларидан ташқари инглиз, немис ва рус тилларида бемалол гаплаша олади.

Уйланган, рафиқасининг исми Теллерво Канкаанранта. Қизи бор, 1957 йилда туғилган, исми — Асси.

● *Бугун—Қариялар куни*

ЖАМИЯТИМИЗ КЎРКИ ВА ФАЙЗИ

Бугун мустақил Ўзбекистонимизда янгича анъана — Қариялар куни тантанали нишонланади. Кексаларга ҳурмат ва эътибор, ёшларга меҳр ва шафқат азалдан ўзбек халқининг энг яхши удумларидан бири бўлиб келган.

Бугун ўтказиладиган Қариялар куни жамиятимиз кўрки ва файзи бўлган табаррук кишиларни улуғлаш, уларга ҳурмат бажо келтиришнинг чинакам байрамига айланади. Вилоятимизнинг шаҳар ва районларидаги фахрийлар кенгашлари бу кунни муносиб тарзда нишонлаш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Вилоят ижтимоий таъминот бўлими ходимлари 100 ёш ва ундан ортиқ умр кўрган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар рўйхатини тузиб чиқдилар. Бугун улар, шунингдек Ватан ва Меҳнат қаҳрамонлари, Шуҳрат нишони тўла совриндорлари, жамоатчилик ишларида фаол қатнашаётган кексалар ва ёлғиз нафақахўрларнинг уйларига бориб йўқланади, уларга моддий ёрдам кўрсатилади. Ана шу мақсад учун вилоятимиз бўйича 145 минг сўм ёрдам пули ажратилди.

Қариялар куни арафасида бир гуруҳ қарияларни республика уруш, меҳнат ва қуролли кучлар фахрийлари кенгаши раиси Р. Ғ. Ғуломов қабул қилиб, чин юракдан табриклади. Уларнинг ҳар бирига пул мукофотлари топширди. Фахрийлар доимий эътибор ва ёрдам кўрсатаётганлиги учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга самимий миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Улар Президентнинг фахрийларга мувайян хизматлари ва иш стажини ҳисобга олиб нафақалар тўлаш тўғрисидаги фармонидан айниқса миннатдор бўлиб гапирдилар.

Қариялар куни муносабати билан кеча юзга яқин киши Бекобод райони ҳокимлиги ва фахрийлар кенгаши томонидан қабул қилинди. 100 ёшли кампирларга хонатлас, чолларга чопон ва пул мукофотлари берилди. Қариялар учун чиройли дастурхон ёзилди. Вилоят деҳқончилик саноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшма қўмитаси «Товоқсой» оромгоҳига 20 та йўлланма берди.

Худди шундай тадбир кеча Янгийўл шаҳри, Тошкент райони, Бекобод шаҳри, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ районларида ҳам бўлиб ўтди.

Бугун Ангрен шаҳрининг марказий майдонида оммавий сайил ўтказилади. Фахрийлар карнай-сурнайлар билан қарши олинади, катта байрам томошаси ўтказилади. Барча кинотеатрларда қариялар учун кинофильмлар бепул намойиш қилинади. Шаҳарда 2 минг фахрий учун байрам дастурхони ёзилиб, қариялар шарафланади. Ана шундай тантаналар вилоятимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказилади.

БИР ДАРАХТНИНГ ИККИ ШОҲИ

29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти девонида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома ҳамда 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган, Президентлар И. Каримов ва А. Акаев биргаликда журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Президент А. Акаев Қирғизистон Республикаси ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи хусусида шундай деди:

— Биз Ўзбекистон билан ҳали собиқ марказ қуламай туриб ҳам шартнома тузган эдик. Лекин бугун имзоланган ҳужжатлар ўша вақтдагисидан бутунлай фарқ қилади. Негаки, бугунги музокаралар ҳам, имзоланган ҳужжатлар ҳам СССР таркибидаги республикаларнинг эмас, балки халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган икки мустақил давлат ўртасида ўтказилгани ва имзолангани билан ҳам қимматлидир. Расмий ташрифимиздан яна бир мақсад — Ўрта Осиё минтақасида тинчликни барқарорлаштириш йўлида баҳамжиҳат сиёсат юргизишни Президент И. Каримов билан маслаҳатлашиб олиш эди. Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг бу ҳақдаги фикрлари бир жойдан чиққанлиги бизни қувонтирди.

Президент И. Каримов имзоланган ҳужжатлар ён қўшни бўлган иккала халқ манфаатларига бирдай мос тушади ва янги ҳамкорликлар учун истиқболлар очади, деб умид билдирди.

Суҳбат вақтида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг Бишкекда ўтказилиши кўзда тутилаётган учрашуви тўғрисида ҳам саволлар берилди.

И. Каримов ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари биргаликда имзолаган кўпгина ҳужжатлар жуда секинлик билан амалга оширилаётгани ёки умуман қоғозда қолиб кетаётганидан ташвишда эканини билдирди. Биз, деди у, иқтисодиёт ва коллектив хавфсизликка оид имзоланган ҳужжатларни мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ҳуқуқий орган тузиш тарафдоримиз, бироқ айрим давлат раҳбарларининг федерация ёки конфедерация ҳақидаги мулоҳазаларига қўшилмаймиз. Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари раҳбарлари учрашувига келсак, бу ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари биргаликда қабул қилган ҳужжатларга зид келмайди. Аксинча, Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида вужудга келган муаммоларни биргалашиб ҳал этиш йўлида қўйилган дастлабки қадамлардир.

Сўнгра иккала давлат раҳбари Тожикистонда давом этаётган фуқаролар урушини тўхтатиш ва у ерда тинчлик ўрнатиш учун қандай ишлар қилинаётгани хусусида сўзлаб беришди. Хусусан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёноти мустақил Тожикистоннинг ички ишларига аралашмай туриб, урушни тўхтатиш йўлида муҳим омил бўлиши мумкинлигини таъкидлашди.

Воқеалар силсиласига эътибор берадиган бўлсак, деди Ислом Каримов, Тожикистондаги қонли воқеалар Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушининг мантиқий давомидир. То афғон диёрида тинчлик ўрнатилмас экан, бу урушнинг бутун Ўрта Осиёга тарқалиш хавфи таҳлика солаверади. Чунки бу минтақада осойишталик бўлмаслигидан манфаатдор кучлар борлиги маълум бўлиб қолаяпти. Бундай ёвуз ниятлар амалга ошмаслиги учун кучларимизни бирлаштириш зарур. Бугун имзоланган ҳужжатларда муаммоларнинг ана шу жиҳатлари эътиборга олингани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Қирғизистонда минг-минглаб ўзбеклар, Ўзбекистонда эса кўплаб қирғизлар истиқомат қилади. Маданий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорлик йўли билан миллатлараро дўстликнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш мумкин. Ўзбеклар қирғизлардан чорвачиликни, қирғизлар эса ўзбеклардан деҳқончиликни ўрганиб, иқтисодиётлари ривожига ҳисса қўшадилар. Булар ҳаммаси бир бўлиб, келгусида Ўш-дагига ўхшаш воқеалар такрорланмаслигининг ишончли кафили бўлиши мумкин.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил ва ошкора жавоб олдилар.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 30 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мав сум бошидан бери, тўртинчи устун — машина терими: бир кунлик, мавсум бошидан бери				
Пискент	0,98	7,85	—	—
Янгийўл	0,66	4,75	—	—
Чиноз	0,79	4,44	—	—
Оққўрғон	0,47	4,43	—	—
Бекобод	0,51	3,38	—	—
Бўка	0,41	2,54	—	—
Қуйичирчиқ	0,30	0,96	0,23	0,54
Ўртачирчиқ	0,20	0,69	—	—
Юқоричирчиқ	0,13	0,28	0,29	0,29
Вилоят бўйича	0,48	3,19	0,05	0,09

«СИРЛИ ТЕПА» БАҒРИНИ ОЧДИ

Бир вақтлари «Сирли тепа» деб ном олган жой бағрини очди. Бу ерда ишлаётган «Тўйтепа» кичик корхонаси тармоғи кенгайиб бормоқда. У Ўртачирчиқликларга қуритилган мева, пиширлоқ етказиб берадиган бўлади.

Айни пайтда ана шу кичик корхонада нутриялар, қуёнлар ҳам боқилмоқда. Уларнинг терисидан тикилган телпаклар, пўстинлар харидорларга манзур бўлиши тайин.

М. БОЗОРАЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Собиқ иттифоқдош республикалар ҳудудида бозор муносабатларига ўтиш, нархларга эркин тус бериш шароитида Ўзбекистон Республикаси ички бозорини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келди.

Мавжуд ресурсларни сақлаб қолиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Республиканинг Қонун чиқаруви ва ижроия ҳокимиятининг олий идоралари хом ашё, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб кетишни тартибга соладиган бир қанча қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси маҳсулотларни республикадан ташқарига олиб кетиш юзасидан белгиланган тартибни вазирликлар ва идоралар, маҳаллий бошқарув идоралари қандай бажараётганини кўриб чиқди ҳамда «Товар—моддий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб кетиш қоидалари жиддий бузилаётгани ҳақида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланганидек кўрилган чоралар қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини республикадан ташқарига ғайриқонуний йўл билан олиб кетишни камайтиришни таъминламаяпти. Йил бошидан буён белгиланган тартибни 10 минг мартадан кўпроқ бузиш ҳоллари аниқланди, бунда 707 миллион сўмлик маҳсулотни республикадан ташқарига олиб кетишга ҳаракат қилинган.

Пахта толаси, пахта, пилла, жун ва бошқа қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёсини, республика четга сотадиган рангли металларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишда суиистеъмолларга йўл қўйилмоқда.

Шу даврда 214 миллион сўмлик пахтачилик маҳсулотларини ғайриқонуний йўл билан олиб кетишга уринишларга чек қўйилди.

Истеъмол бозорида кескин аҳвол юз берган бир пайтда валюта эвазига сотиб олинган чой, қанд-шакар, ун каби озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини, шунингдек ўсимлик ёғи, сариёғ, асал, ҳамда талаб катта бўлган бошқа моллари, шу жумладан бинокорлик материалларини, металл конструкциялар ва техника ускуналарини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари давом этмоқда.

Шу билан бир вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг таъкидлашича, Ўзбекбирлашув, Ўзбексавдо Давлат уюшмаси, Ўзбекистон Нефть маҳсулотлари концерни, «Узгосметконцерн», «Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари раҳбарлари республика аҳолисини маҳсулотлар билан таъминлашда юз берган кескин аҳволга яраша ташвиш чекмаётирлар.

Қарорда «Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ҳамда Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг ҳокимиятлари товар-моддий бойликларни жўнатиш устидан қаттиқ назорат ўрнатмаганликлари таъкидланади.

Айрим вазирликлар, идоралар, концернлар, маҳаллий бошқарув идоралари зарур ҳужжатларни пухта ўрганмай туриб, товар—моддий бойликларни олиб чиқиб кетишга рухсатномалар бермоқдалар, ижозатнома бериш ҳуқуқидан қандай фойдаланилаётганини суст назорат қилмоқдалар. Маҳсулот олиб чиқиб кетишга рухсатнома бериш ўзларининг иши бўлса ҳам бундай рухсатни олиш учун аризачиларни кўпинча юқори идораларга юбориб ортиқча сансоларликни вужудга келтирмоқдалар.

Қарорда Давлат божхоналар комитети ишидаги нуқсонлар ҳам кўрсатилган. Божхоналар комитети вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаган. Комитет ходимлари орасида олиб бориладиган ишлар, ходимларни танлаш ва жойжойига қуйиш анча яхшилашга муҳтож.

Божхоналар томонидан мусодара қилинган товар-моддий бойликларни сотиш юзасидан шу вақтгача аниқ тартиб ва қаттиқ назорат таъминланмаган.

Қарорда таъкидланишича, оммавий ахборот воситалари ички бозорни ҳимоя қилиш муаммоларини, божхоналарнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ва маҳаллий бошқарув идораларининг бу соҳадаги кундалик фаолиятини етарли даражада ёритмаяпти.

Ҳукумат қарорлари бажарилишини тегишлича назорат қилишни таъминламагани, белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини таъминлайдиган узил-кесил чоралар кўрмагани, бу ишда катта нуқсонларга йўл қўйгани учун Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ўртоқ К. Н. Ортиқмуродовга қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Бундай воқеаларга яна йўл қўйилган тақдирда унинг лавозимида қолиш қолмаслиги масаласи кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Самарқанд шаҳри ҳокимининг ўринбосари ўртоқ Ф. Н. Ғиёсов қаттиқ огоҳлантирилди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ўртоқ Т. Р. Қиличов, Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ўртоқ М. А. Алимов бу ишда камчиликларга йўл қўйгани кўрсатиб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашига Давлат божхоналар комитетининг товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб кетиш тартибини таъминлаш ишидаги камчиликлар ҳақидаги материаллари асосида Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. Н. Шамшетовнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб тегишли қарор қабул қилиш топширилди.

«Узгосметконцерн», «Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узалегснабсбит», «Узконтрактторг» давлат уюшмаси, Ўзбекистон Нефть маҳсулотлари концерни, «Ўзбексавдо», Ўзбекбирлашув, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирликлари раҳбарлари ҳам ўзларига қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳсулотни олиб кетиш тартибига риоя этишлари учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида қаттиқ огоҳлантирилдилар. Уларга хом ашё ва маҳсулотларни ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишга кўмаклашаётган, ана шу мақсадлар учун транспорт ажратиш чоғида суиистеъмолга йўл қўйган шахсларга нисбатан энг қаттиқ чоралар кўриш зарурлиги айтилди.

Вазирликлар ва идораларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларининг раҳбарларига ўзларига қарашли корхоналарда, аввало кичик ва қўшма корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб кетиш билан боғлиқ ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, ғайриқонуний йўл билан маҳсулот олиб кетиш қолларини бутунлай истисно қиладиган узил-кесил чораларни кўриш, транспортдан фойдаланиш қоидалари устидан тегишли назоратни амалга оширмаган раҳбарларни лавозимидан бўшатишгача жазолаш топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси «Узконтрактторг»га тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда бир ой муддатда хом ашё ва маҳсулотларни ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишнинг олдини олишга, мусодара қилинган товар-моддий бойликларни сотиш устидан қаттиқ назорат ўрнатишга, вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий бошқарув идораларининг республика ички бозорини ҳимоялаш ишларини мувофиқлаштиришга доир маъмурий ва иқтисодий чораларни кўзда тутадиган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни топширди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхоналар комитетига ўз фаолиятини асосан хом ашё, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари ғайриқонуний равишда олиб кетилишининг олдини олишга қаратиш топширилди. Олиб кетилаётган юкларнинг декларацияси тўлдирилишида ва бу маҳсулотларни олиб кетиш қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни текшириш, республикадан ташқарига юк ташийдиган автотранспорт воситаларини, темир йўл составларини, самолётлар ва дарё кемаларини текшириш ишида юксак маҳорат таъминлансин, ушлаб қолинган юкларнинг сақланишини ва белгиланган тартибда топширилишини таъминлайдиган амалий чоралар кўрилсин.

Тегишли рухсатномаолмай туриб, маҳсулотларни олиб чиқиб кетишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида меҳнат жамоалар орасида, истиқомат жойларида, оммавий-ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилсин. Ходимлар билан ишлашни, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишни, божхона хизмати ходимлари ваколатларини ошириб юборишни истисно қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорда божхоналар комитети вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари билан мустаҳкам алоқани таъминлаши, уларни тез-тез хабардор қилиб туриши, республикадан ташқарига олиб кетилаётган товар-моддий бойликларни ушлаб қолиш ҳолларини биргаликда муҳокама қилиш ва уларнинг ҳар бири юзасидан тегишли чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон миллий ахборот агентлигига, Ўзбекистон Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясига, республика газеталарининг муҳарририятларига ички бозорни ҳимоя қилиш муаммоларини, маҳсулотларни ғайриқонуний олиб кетиш ҳолларига доир материалларни тез-тез ёритишни тавсия қилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати комитетига, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига, Ўзбекистон Республикаси Олий судига қонунларга риоя этилишини ва республика ҳукуматининг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишга доир қарорларининг бажарилишини, судларнинг товар-моддий бойликларни ғайриқонуний равишда олиб кетиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқишга доир фаолиятини назорат қилиб боришни кучайтириш ва бу назоратни қаттиқ йўлга қўйиш зарурлиги, маҳсулотларни ғайриқонуний равишда олиб кетиш сабабларини аниқлаш ва бунга кўмаклашган шахсларни жавобгарликка тортиш учун оператив чоралар кўриш тўғрисида мурожаат қилди.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари—Вазирлар Маҳкамасидаги мажмуаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилди.

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ

Кўзнинг биринчи ойи ҳам тугалланди. Қийинчиликларни енгиб, ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, ҳосил етиштирган сабзаваткорлар уни йиғиб-териб олишни ҳам ниҳоясига етказмоқдалар.

Тадбиркорлар ҳар кун, ҳар соатни ғанимат билиб яхши натижаларга эришаяптилар. Буни маълумотлардан ҳам билиб олиш мумкин. Кўриниб турибдики, 28 сентябргача картошка харид қилиш 37,4 минг тоннани ташкил этди. Бу умумий ҳажмга нисбатан 48,5 фоизни ташкил этади. Бир ҳафта давомида картошка тайёрлашдаги ўсиш 2943 тонна бўлди. Бу умумий харид ҳажмига нисбатан 3,8 фоизни ташкил этади. Агар ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан оладиган бўлсак, картошка харид қилиш 3,2 фоиз ўсганлигини кўриш мумкин.

Бу яхши натижами? Паркент районидаги хўжаликларда картошка харид қилиш суръати ўтган йилдагига қараганда ортган бўлсада, бироқ, харид қилиш бўйича умумий ҳажм бор-йўғи 16,6 фоиз бажарилган холос. Бу кўрсаткич Оҳангарон райони хўжаликларида 21,5 фоизни, Юқоричирчиқ районида 26,2 фоизни ташкил этди. Пискент районида 31,3 фоиз бўлди. Ўтган ҳафтада айрим районлар ҳафсаласизлик қилдилар. Хусусан, Зангиота ва Паркент районлари хўжаликлари картошка сотишни амалга оширмадилар. Харид қилинган умумий ҳажмдаги картошкадан 8,8 минг тоннаси ёки 23,6 фоизи бозорда сотилди.

Шунингдек, сабзавот харид қилиш 331,7 минг тоннага етди. Бу умумий ҳажмга нисбатан 59,7 фоиздир. Ҳафталик ўсиш 36,4 минг тонна ёки умумий ҳажмга нисбатан 6,5 фоиз бўлди. Лекин шуни айтиш керакки, сабзавот харид қилишда ўтган йилга нисбатан 50,1 минг тонна ёки 13,2 фоиз орқада қолинди. Айниқса, Паркент райони хўжаликлари сабзавот тайёрлашда сусткашлик қилмоқдалар. Бу районда сабзавот харид қилиш умумий ҳажми атиги 19,8 фоиз, Оҳангарон районида 30,7 фоиз, Қуйичирчиқ районида 34,5 фоиз, Бекобод районида 39,7 фоиз бажарилди. Харид қилинган умумий ҳажмдаги сабзаводан 18 минг тоннаси ёки 5,4 фоизи бозорда сотилди.

Фурсат ғанимат, шошилиш керак. Катта меҳнатлар эвазига етиштирилган сабзавот маҳсулотларини тезроқ йиғиштириб олиб, эл дастурхонига етказиб берайлик. Бу борада илғорлардан ўрнак олайлик.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ДАВЛАТ ХАРИДИ ҲАҚИДА 1992 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Районлар	Картошка — тонна				Сабзавот — тонна			
	Харид қилинди	фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан	фоиз ҳисобида: 1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида		Харид қилинди	фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан	фоиз ҳисобида: 1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	
Оққўрғон	2123	46,1	102,0		10430	65,1	91,5	
Оҳангарон	1657	21,5	98,7		15978	30,7	87,6	
Бекобод	2139	71,3	1,6 м		8550	39,7	78,1	
Бўстонлиқ	990	39,6	75,8		30367	50,1	71,7	
Бўка	3159	57,4	1,7 м		19189	63,9	103,0	
Қуйичирчиқ	1481	42,3	142,8		6906	34,5	55,3	
Зангиота	2533	63,3	69,4		39848	73,7	90,3	
Юқоричирчиқ	1838	26,2	83,9		18911	54,0	83,7	
Қибрай	1789	39,7	95,6		34181	58,9	80,4	
Паркент	1001	16,6	1,9		3370	19,8	103,6	
Пискент	1161	31,3	73,9		18216	70,0	89,3	
Ўртачирчиқ	1625	40,6	108,2		26213	77,0	86,4	
Тошкент	9117	101,3	122,5		55874	84,6	97,8	
Чиноз	2784	69,6	87,3		13251	57,6	80,5	
Янгийўл	3966	49,5	78,2		30445	72,4	98,0	
ВИЛОЯТ БЎЙИЧА	37363	48,5	103,2		331729	59,7	86,8	

• Пахта йиғим-терими кундалиги

ДАҚИҚАЛАР ҚИЙМАТИ

Кўриб, билиб, гувоҳ бўлиб турдик. Бу йил қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, хусусан, пахтакорларимиз ғоятда қийин ва мураккаб шароитда ғўза ўстирдилар. Бироқ улар бу қийинчиликларни тажрибалари, маҳоратларини ишга солиб, матонат билан енгдилар. Пахта нафсиламбирини айтганда 15—20 кун кечки бўлиб етилди-ю, аммо кўп деҳқонларнинг тан олишича, таъкидлашича, далада 320 минг тонналик режани бажариш имкониятини берадиган ҳосил тўпланди.

Буёқда эса фурсат оз. Вазифалар, ишларнинг, йиғим-теримнинг янада тиғиз бўлиши кутилмоқда. Бу тиғизлик суръатга ва сифатга таъсир қилмаслиги учун вилоятимизда олдиндан ўйланиб, бир қатор ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу тадбирларда энг аввало далада меҳнат қилувчилар учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, энг муҳими уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантириладиган усулларини қўллаш кўзда тутилган эди.

Бу ҳақда тушунтирилди, ҳар бир дала меҳнаткаши онгига етказилди. Улар кўтаринки руҳ билан меҳнат қила бошладилар. Бу йил 21 минг тонна уруғлик пахта тайёрланиши керак. Ана шу мақсадда танлаб териш кучайтирилди. Бирин-кетин пахта карвонлари тайёрлов пунктларига йўл олди. Айни кунларда ҳамма ерда қўл терими авжида. Бекобод, Пискент районлари қўл теримини ташкил этишда намуна кўрсатмоқдалар ва олдинда бормоқдалар. Оққўрғон, Чиноз районларининг деҳқонлари ҳам бўш келмаяптилар. Шундай қилиб, ҳозирги кунга қадар вилоятимиз бўйича 1500 тоннадан ортиқ пахта терилди.

Лекин ҳали асосий иш, асосий кураш олдинда. Бу йил ҳам машиналар ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Кам деганда 240 минг тонна пахтани машинада териш мўлжалланмоқда.

Бу ишнинг уддасидан чиқса бўладими?

Ҳисоб-китоблар бемалол уддалаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чунки 2713 та машина созланиб, тахт қилиб қўйилди. Кўп районларда механик-ҳайдовчиларнинг кўрик-конкурслари ўтказилиб, агрегатлар қайта-қайта синовдан ўтказилди. Қолган районларда ҳам кўриклар ниҳоясига етказилмоқда.

Бу йилги шароитда ғўза баргини тўкишни сифатли ўтказиш ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, бу ишга ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Мутахассислар сифатни назорат қилиб бордилар. Асосий майдонлардаги ғўза баргини тўкишда хлорат-магнийдан фойдаланилди. Ғўзанинг ҳолати, қалин ва сийраклиги, баргининг кўп ва озлиги ҳисобга олиниб, ҳар бир далада иш табақалаштириб ўтказилди. Ўртача 10—12 килограммдан хлорат-магний ишлатилди. Мутахассисларнинг, тажрибакорларнинг гувоҳлик беришича, барг тўкиш ишлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилиб, бу соҳадаги режа муддатидан илгари ошириб бажарилган. Агарда режа бўйича 100 минг гектар майдонга дори сепиш мўлжалланган бўлса, ҳозиргача бу режа 105 минг гектар қилиб бажарилди.

Айни кунларда дори сепилган, машина теримига ажратилган майдонлар кўзатиб борилмоқда. Захкаш ерларда ғўза ўсиб кетиб, унинг таг қисмига дори тушмай қолган бўлиши мумкин. Лекин бундай майдонлар жуда оз ерни ташкил этади. Ана шу майдонларга иккинчи марта дори сепишга тўғри келади. Бунда ҳам усталик билан иш кўриш талаб этилади. Эҳтиётсизлик қилиб, ғўзанинг устки қисмидаги — октябрда ҳосил берадиган кўсакларга зиён етказмаслик керак. Мутахассислар ана шунга эътибор беришлари муҳимдир.

Ҳамма мўлжалдаги тадбирлар амалга оширилса, табиийки, машина терими ўз вақтида бошланиб, иш суръати кун сайин ортиб боради. Авжи машиналар тўла ишга тушган пайтда режага нисбатан машинада 5—6 фоиз пахта терилиши мумкин. Бу 14—15 минг тоннани ташкил этади. Чунки ҳар бир машина тўла унум билан ва бетўхтов ишласа қош қорайгунча 3 гектар ердаги пахтазорни айланиб, бемалол 5—6 тонна пахта терса бўлади.

Бу йил иложи борича биринчи теримда кам деганда гектаридан 20 центнер ҳосил йиғиб олиш чоралари кўрилиши зарур. Ана шунда иккинчи теримдаёқ далалаги ҳосилни асосан йиғиштириб олиш учун шароит яратилади. Теримга кеч тушилган ва фурсат, ҳар дақиқа қимматли бўлган бу йилги шароитда — бу ғоят муҳимдир. Механизаторларимиз шунга ҳаракат қилишлари керак.

Машина терими режаси уддаланадиган бўлса, қўлда теришга бор-йўғи 80 минг тонна пахта қолади. Бу ишни ҳам вилоятимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўз кучлари билан бемалол уддалашлари мумкин. Чунки теримда 62 минг кишининг қатнашиши кўзда тутилмоқда. Ҳар бир кишига тақсимланадиган бўлса 1 тонна 300 килограммданга тўғри келади. Бу бажарса бўладиган ишдир. Ҳозирги кунда 33 минг киши теримда қатнашяпти. Улар ўртача 46 килограммдан пахта термоқдалар. Пахталар қийғос очилгач, албатта, бу кўрсаткич ортиши табиийдир.

Булардан кўриниб турибдики, йиғим-теримнинг муваффақияти белгиланган ташкилий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тадбирларининг бекаму-кўст бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бу йил 80 минг тонна каноп пояси тайёрланади. Тўғри, бу соҳадаги ишларнинг асосий қисми механизациялаштирилган. Лекин барибир канопни бойлаш, қуритиш ишлари қўлда бажарилади. Бу иш билан ҳам анчагина одамлар банддир. Буёқда эса сабзавот, полиз экинлари ҳосилини йиғиб олиш, шоли ўримини ниҳоясига етказиш керак. Биз ўйлаймизки, вилоятимизда бу ишлар ҳам пишиқ-пухта ташкил этилади, каноп ўрими, сабзавот ҳосилини йиғиштириб олиш ва бошқа ишлар тугалланган, асосий куч ва эътибор пахта йиғим-теримига қаратилади. Демакки, ҳар дақиқадан самарали фойдаланиб, техникаларни унумли ишлатиб, йиғим-теримни тезлаштириш мумкин бўлади.

Вилоятимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида бу йилги қийин иқтисодий шароитда ғоят катта ва масъулиятли вазифалар турипти. Ҳозирги ишларнинг бориши, эришилаётган дастлабки натижалар, айрим тармоқлардаги қувончли якунлар қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу вазифанинг уддасидан чиқиш учун ҳамма имкониятларга эга эканликларини кўрсатиб турипти. Бу катта ишда уларга куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик ва бардамлик тилаймиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ.



• Булар ҳақида кам ёзилади

БОШ ҲИСОБЧИ



ҲОЗИРГИ кунларнинг ўзига хос томонлари бор. Яқин-яқинларда бирон-бир хўжаликка ташриф буюрсангиз раислар, директорлар ҳақида гап кетарди. Тижорат муносабатларига ўтиш даврида эса бош бухгалтер (мухосиб)лар асосий роль ўйнай бошладилар. Чунки, аҳолини маош билан таъминлаш бўлсин ёҳуд қурилиш ишлари дейсизми, ҳамма-ҳаммасига «балогардон» бош мухосиб бўлиб қолди. Зотан, маблағни ўша одам топади.

— Чиндан ҳам шундай,— дейди Бекобод туманидаги «Навбаҳор» давлат хўжалиги директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Хўжаахмад Бобомуродов,— ўзингиз ўйланг, мана, бизнинг хўжалик янги «рўзғор» бўлиб чиққан хўжаликлардан бири. Уни оёққа турғазишни ўзи бўлмайди. Шу маънода бош мухосиб Тўлаганжон Бўриевдан ҳаммамиз мамнунмиз.

Директор хўжалик фаолияти ва бош мухосибнинг ҳаёти тўғрисида эринмай гапирар экан, «рўзномаларга мана шундай одамларни, бундай фарзандларни вояга етказган ота-оналар тўғрисида ёзиш керак», деб қўшиб қўйди. Яхши раҳбар,— чин падар дейдилар. Хўжаахмад ака Бобомуродов ҳам ўз мутахассислари ҳақида астойдил, вужудан хурсанд бўлиб сўзларди.

— Хўжалигимиз ёш бўлишига қарамай ўтган йилда давлатга 6 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот етказиб берди. Йил якунига кўра 800 минг сўм фойда олдик. Рентабеллик 16 фоизни ташкил этди. Бу йил вазифамиз янада оғир. 40 миллион сўмлик маҳсулот сотишни режалаштириб қўйганмиз. Ундан олинадиган соф фойда 15 миллион сўмга етиши керак. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Асосий ғоя Тўлаган бошлиқ мухосиблар зиммасига тушяпти. Тиришганнинг тешаси тошга чега қоқади, деган экан донолардан бири. Бўриев ана шундай тиришқоқ, ишбилармон, кечани кеча кундузни кундуз демай ишлайдиган ходимларимиздан биридир.

...Ҳа, Т. Бўриевни ана шундай меҳнатсевар қилиб тарбиялашда унинг ота-онаси озмунча азият чекмади, дейсизми. Бўрибой ота ҳозир саксонга, онахон Мавжудахон ая эса етмишга тўлдилар. Улар истиқомат қиладиган қўшни Бўка туманидаги «Бахмал» жамоа хўжалиги одамлари бу аҳил оилани ҳурмат билан тилга оладилар.

— Худога шукр, саккиз нафар фарзандимиз бор,— дейди Бўрибой ота,— уларни умр йўлдошим билан меҳнатсевар, кишилар ҳақига хиёнат қилмайдиган қилиб тарбияладик. Тўнғич ўғлим Тожибой — механизатор, Собиржон — бош муҳандис, Эҳақиз — ижарачи пахтакор, Саминжон — ғазначи, Санобар — ижарачи деҳқон, Нишонбой — трактортчи, Набижон — чорвадор. Фарзандларнинг ҳаммаси ҳам яхши. Лекин, назаримда Тўлаган ёшлигиданоқ бошқача бўлиб ўсди. Ундан мингдан-мингга розиман. Гоҳ пирдан, гоҳ муриддан, деганларидек, Тўлаган яхши устозларнинг этагини маҳкам тутди. Чиндан ҳам бойликнинг калити илмда экан, билимини ҳам обдон қиёмига етказди.

...Жуда тўғри. Тўлаган ёшлигиданоқ ҳисоб-китоб ишларига жуда қизиқди. Буни зимдан кузатиб юрган Бўрибой ота ўғлини халқ хўжалиги олийгоҳига ўқишга юборди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган Тўлаган ҳам ўқиди, ҳам ишлади. Кундалик тирикчилигини бир ёшга бориб қолган отаона елкасига ортиб қўймади.

Олий маълумот олган Т. Бўриев, энг аввало, Бекобод туманидаги «Оқ олтин» давлат хўжалигида ҳисобчи бўлиб иш бошлади. Сориндиқ ака Соқбоев унинг биринчи устози бўлди. Уни қунт билан етаклади. Мухосиблик касбининг энг нозик томонларини унга ўргатди. Ҳадемай Тўлаган меҳнат пиллапоясининг юқори поғоналарига кўтарила бошлади.

1990 йилда «Навбаҳор» давлат хўжалиги ташкил этилди. Бош мухосибликка Тўлаган Бўриев таклиф этилди.

— Биз Тўлаган Бўриевнинг ишбилармонлигини, ўз касбини пухта эгаллаганлигини шоҳиди бўлиб юрардик,— дейди туман агросаноат комбинати бош ҳисобчиси Муборакхон Мадиёрова,— шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмасдан уни давлат хўжалиги бош мухосиблигига танладик. У ишончимизни оқлаб келмоқда. Шуниси қувончлики, икки йил ичида хўжалик фаолияти бир неча марта тафтиш қилинди. Текшириш натижаларига кўра хўжаликда ҳисоб-китоб ишлари бенуқсон, камчиликсиз олиб борилаётганлиги аниқланди.

Бировнинг ишига баҳо бермоқчи бўлсанг, шу соҳа кишиси фикрини ол, деган тамойилга амал қилиб, туманда номи чиққан тафтишчилардан бири Абдукарим Жабборовни суҳбатга тортганимизда у шундай деган эди:

— Мен шу кунларда хўжаликда тафтиш ишларини олиб бораяпман,— деди А. Жабборов,— шуниси диққатга сазоворки, бу ерда ҳисоб-китоб ишлари ишлаб чиқариш қонун ва қоидалари асосида олиб борилаётганлиги бошқаларга намуна бўладиган бир ҳолдир. Ишни бундай юритиш ҳар бир мутахассисдан ўз касбига ўта билимдонлик билан ёндашишни, ниҳоятда масъулиятли бўлишликни талаб қилади. Мен Тўлаганни узоқ йиллардан бери биламан. У ростдан ҳам ҳамиша-ҳамрўз ҳалоллик йўлидан боришга интилади. Иш юритишда шошма-шошарликка йўл қўймайди. Бошқаларнинг ҳам ана шундай ишлашларини талаб қилади. Бундай ишлаш унинг давлат хўжалиги ходимлари ўртасидаги обрў-эътиборини орттириб келмоқда.

«Навбаҳор» хўжалиги ҳудудини айланган одам хўжалик раҳбарияти, жумладан, бош мухосиб Тўлаган Бўриев каби мутахассислар катта ишлар қилаётганлигига амин бўлади.

Қисқа вақт ичида хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб қолди. Қишлоқ тўлиқ водопроводлаштирилди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Шахсий уй қурувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Уларга қарз бериш ҳам бош мухосибнинг зиммасида. Ўн йиллик мактаб биноси, ғишт заводи барпо этилаётганлиги навбаҳорликларни келажакка ишонч билан қарашга ундамоқда.

— Маблағ деган нарса ўта ўжар нарса бўлади,— дейди хўжалик директори Хўжаахмад ака Бобомуродов қурилиш учун кавланаётган янги ҳандақларни кўрсатиб,— жорий ишлар, истиқболдаги қурилишларнинг ҳаммасига пул керак. Тўлаган Бўриев раҳбарлигидаги йигитларимизнинг саъи-ҳаракатлари туфайли қўлга киритиладиган соф фойдаларнинг кўпчилик қисми қишлоқни ободонлаштиришга, одамлар турмушини яхшилашга сарфланади. Янаги келгусидаги ишларимизни ҳам шундай умидворлик билан қарамоқдамиз.

...«Навбаҳор» дегани — янги баҳор дегани. Чиндан ҳам бир неча йиллар муқаддам бу ерларда ҳеч нарса йўқ эди. Атроф бўм-бўш биёбон эди. Эндиликда янги давлат хўжалиги қад ростламоқда. Қишлоқ кўчалари бўйлаб эсаётган енгил шабада киши руҳиятини кўтаради. Узоқ-узоқларга — бепоён пахтазорларга тикилаётган Х. Бобомуродов, Т. Бўриевлар кўзида ўзгача ёлқинни кўрдик. Бу ёлқин ёшларга хос ғайрат-шижоат ёлқини, келажакка ишонч ёлқини эди.

П. ЭРГАШЕВ, У. РАҲИМОВ.

МАШИНАСОЗЛАРНИНГ КАСБ БАЙРАМИ

● РЕСПУБЛИКА машинасозлари ўзларининг анъанавий касб байрамларини нишонладилар. Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида байрам сайли бўлди, бу ерга йиғилган тармоқ ходимлари саноатқорларнинг ранг-баранг чиқишларини томоша қилдилар, ота-оналари билан байрамга келган кичкинтойлар ҳам зериқишмади. Турли кўнгилочар ўйинлари ишлаб турди. Суратда: байрам лавҳаларидан бир кўриниш.

Р. Шагаев ва Ф. Умурзоқов (ЎзА) сурати.









• МУШТАРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БЕКОБОД ШАҲРИДА

Яқинда «Тошкент ҳақиқати»нинг йўқламаларидан бири Бекобод шаҳрига бағишланган эди. У шаҳар аҳолисида қизиқиш уйғотди. Хусусан, ҳокимлик мазкур саҳифада республикамиз саноати, қурилиши ва энергетикасининг ривожланишига асос солган бу шаҳарнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти анча атрофлича қамраб олинганини мамнунлик билан қайд этди. Айни пайтда шаҳар ҳокими Акром ИБОБЕКОВ газета ходимлари Бекободда кам бўлишларини таъкидлаб, долзарб воқеаларни ёритишда ҳамиша ҳам ҳозиржавоблик кўрсатилмаётгани, журналистлар саноат корхоналари ҳаёти билан яқиндан таниш эмасликларини айтиб ўтган эди.

Биз ана шу мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда бу галги ижодий сафарни шаҳар саноати бўйича давом эттирдик. Мазкур корхоналарнинг ишчи-хизматчилари, мутахассислари билан учрашдик, шаҳарнинг маданий ҳаётида юз берётган ўзгаришлар билан танишдик.

ЯГОНА ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Ҳамроҳимиз — шаҳар ҳокимининг муовини Ботиржул Содиқов бизни улкан цемент комбинатига бошлаб борар экан, йўл-йўлакай тушунча ҳам берарди. Унинг айтишича, комбинат 1926 йилда чўлда қад кўтарган, Ўзбекистондаги барча йирик қурилишлар Бекоободнинг ана шу тўнғич корхонаси етказиб берган маҳсулот эвазига бунёд этилган. Бугунги кунда комбинат жуда катта байналмилал оилага айланган. Бунинг гувоҳи бўлдик. Клинкер цехига яқинлашганимизда ўзбек, рус, қозоқ, татар йигитлари ва бошқа миллат вакиллари иноқ ишлаётганликларини кўрдик. Цех бошлиғи Хайит Ашрапов — ёши элликлардан ошган киши биз билан эски қадрдонлардек самимий кўришди. У комбинат фахрийларидан бири экан. Қисқача суҳбатдан сўнг мақсадимиз бошлиққа равшан бўлди.

— Марҳамат, албатта сизларни иш жараёни билан таништираман,— деди у,—мана бу айланма печга яқинроқ келинглар.

Биз у айтган томонга юрдик. Цех бошлиғи қўлимизга тўқ ҳаво ранг, махеус пленка тортилган ҳимояловчи «кўзойнак»ни тутқазиб, шу орқали печ туйнугидан қарашни тавсия этди. Қулоқларни қоматга келтирувчи товуш гувиллайди. Баҳайбат оташгоҳга навбатма-навбат кўзойнак орқали қараймиз. Ловуллаб ёнаётган олов ўзини қаёққа уришни билмай пишқиради. Аланга тили печ деворларига урилиб, бураллб-бураллб яна ортга қайтади. Соатига 6 минг куб метр газ ёниб, 1,5 минг даража иссиқлик берадиган бу печ ёрдамида сутка давомида 1950 та клинкер ишлаб чиқарилади. Кейинчалик клинкерлар тегирмонга тушиб, цементга айланади. Баҳайбат қувурлар эса уларни тайёр маҳсулот участкасига узатди. Шу тарзда комбинатда узлуксиз ишланган пайтларда суткасига 700 тонна цемент ишлаб чиқарилади.

Айланма печлар машинисти Игорь Родионов, ишчилар Норимжон Холматов, Мамут Сеитхалиловлар билан суҳбатлашамиз. Улар бор гапни айтдилар. Комбинатда иш енгил эмас. Саратонда бу даражалик «дўзах ўти» билан юзма-юз туришнинг ўзи бўлмайди албатта. Бунинг устига Бекобод шамоли бир ҳуруж бошласа, чанг-тўзонни ўйнатиб, юзкўзга уради. Иссиқ, қуюн димиқтиради. Инсон иродаси эса ана шулардан устун.

— Ўрганиб кетганмиз,— дейди Норимжон,— ҳеч бир иш машаққатсиз бўлмайди. Хизматимиз қийинлиги учун ҳам ойлигимиз юқори-да. Беш-олти минг сўм атрофида олаяпмиз. Тайёр маҳсулотлар участкасида эса ойлик — маош етти минггача боради.

Бунинг устига Бекобод шамоли бир ҳуруж бошласа, чанг-тўзонни ўйнатиб, юзкўзга уради. Иссиқ, қуюн димиқтиради. Инсон иродаси эса ана шулардан устун.

— Ўрганиб кетганмиз,— дейди Норимжон,— ҳеч бир иш машаққатсиз бўлмайди. Хизматимиз қийинлиги учун ҳам ойлигимиз юқори-да. Беш-олти минг сўм атрофида олаяпмиз. Тайёр маҳсулотлар участкасида эса ойлик — маош етти минггача боради.

БУЮМЛАРИ— РЎЗҒОР КЎРКИ

Номи вилоятимиздагина эмас, республикадан ташқарида ҳам машҳур бўлган Ўзбекистон металлургия заводининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича бошлиғи Фатхулла Сайдуллаевич Бадалов ўз соҳасини пухта билган мутахассис сифатидагина эмас, балки дилкаш инсон, ғамхўр ва талабчан раҳбар, меҳрибон устоз сифатида ҳам ишчилар орасида ҳурмат-эътибор қозонган. У раҳбарлик қилаётган учта цехдан иборат участкада ишловчиларнинг тўқсон фоизи аёллар, қизлар. Чунки иш уларга мос, кўп куч талаб қилмайди. Рўзғор буюмлари тайёрлашдаги баъзи жараёнлар хусусияти жиҳатдан механизацияга бўйсунмаслиги ҳам ана шуни тақозо этади.

Фатхулла Сайдуллаевич билан хонасида бироз мулоқотда бўлсак-да, корхона ҳаётига оид анчагина маълумотларни билиб олдик. Хусусан, у заводга металл қарағанда шаҳридан олиб келиниши, транспорт ҳаражатлари ортиб бораётганлиги тўғрисида гапириб берди. Илгари бир тонна хом ашё 700 сўм турса, эндиликда бу кўрсаткич 26 минг сўмни ташкил этмоқда. Дўконларда тоғора, челак, темир чойнак ва бошқа буюмларнинг нархи ошиб кетганлигининг боиси ҳам шундан. Бошлиқнинг айтишича, барибир рўзғор буюмлари нархи бошқа республикадагиларга қарағанда аҳолига арзон сотилмоқда.

Шундан сўнг сирланган идишлар цехини айланамиз, опа-сингиллар билан шунчаки танишув давомида ўз-ўзидан қизғин суҳбатлар бошланиб кетади.

Цех бошлиғи Тамара Жўраева бизни ишлаб чиқаришга доир маълумотлар билан таништиради. Сирланган идишлар цехида 1800 нафар киши ишлайди. Аксарияти аёллар. Улар эл рўзғорига 23 турдаги маҳсулотни тайёрлаб беришмоқда. Цехда баъзи жараёнларни чет эл дастгоҳлари бажаряпти. Хусусан, конвейерлардан бирида кастрюлкаларга биринчи бўёқ бераётган дастгоҳ Италиядан келтирилганлигини айтиб беришди. Унда бор-йўғи биргина аёл ишламоқда. Аммо иш самараси юқори ва сифатли. Сирловчилар бўлимида бригадир Ўктамхон Пирматова билан иш шароитлари хусусида сўзлашдик.

У цехдаги қулайликлардан миннатдор.

— Иш жойимиз ораста, тартибли, кенг ёруғ,— дейди бригадир.— Шунинг учун ҳам бир смена давомида режамизни бир ярим—икки ҳисса қилиб бажаряпмиз. Ойлигимиз яқинда ошди. Тўрт минг сўмга яқин маош оляпмиз.

Ишчи Саодат Мираҳмедова эса цехдаги ўзаро ҳурмат, бир-бирига бўлган меҳрибонликдан хурсанд. Унинг суҳбатидан бу ерда ҳамма бир-бирига устоз ва шогирд эканлигини билиб олдик. Шу боис цехга келган ёшлар маълум бир жараён бўйича касбни тез эгалламоқдалар. Бу эса илғорлар сафини кенгайтирмоқда.

Ишчилар бизга ўзлари учун қулай шароитлар яратилгани ҳақида ҳам сўзлаб бердилар. Бу хизматдан кейин фақат душда ювинишдангина иборат эмас, албатта. Комбинатда барча имкониятларга эга бўлган физкультура соғломлаштириш комплекси фойдаланишга топширилиш арафасида. У замонавий, катта ва муҳташам. Энг муҳими саломатликни мустаҳкамлаш учун унда барча қулайликлар муҳайё. Цементчиларнинг кўнгиллари тўқлиги ҳам шундан.

Цех бошлиғи Тамара Жўраева пешқадамлар ҳақида гапирганда созловчи Файзулла Тошматов, назоратчи Гулбаҳор Мусаева, Маҳмуджон Усмонов, Назира Нормуродовалар номини алоҳида тилга олди.

У цехда тез-тез янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб турилиши тўғрисида ҳам сўзлади. Бу эса маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Масалан, цех жамоаси яқинда ўзлаштирган ўта ялтироқ (перломутровая) идишларга буюртма берганлар кўпайиб кетди. Бу маҳсулот тамомила янги, ҳали Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикаларида ҳам уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган экан.

Цехни айланиб юриб, ҳудди магазинга ўхшаш катта хонага кирдик. Пештахталарда ажойиб гулли тунука лаганлар, чойнаклар, турли идишлар кўзни қамаштиргудек териб қўйилган. Татьяна Кочетова, Наташа Журавлевалар бу хона якка тартибдаги буюртмаларни қабул қилиш ва шартнома асосида тайёрланган маҳсулотларни мамнунлик билан гапириб берди. Ҳавза фойдаланишга топширилиш арафасида. Унда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Корхона спортчилари спорт комплексида олти тур — эркин кураш, енгил атлетика, дзюдо, оғир атлетика, волейбол, футбол билан шуғулланадилар. Хуллас, металлургларга ўзларига яратилаётган шароитларга жавобан астойдил унумли меҳнат қилмоқдалар.

ШУНДАЙ ОРОМГОҲКИ, ҲАВАС ҚИЛАСИЗ

Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган Гагарин номли истироҳат боғи майдонининг кенглиги ва кўркамлигидан Тошкентдаги энг катта оромгоҳлардан қолишмайди. Турфа дарахтлар оралиғида жойлашган ёзги концерт зали, бир-биридан файзли чойхоналар, болалар ўйингоҳлари, арғимчоқлар майдони, спорт майдончалари, ҳамма-ҳаммаси боғга Тошкентда билим олаётган бекободлик талабаларни оромгоҳга тўплади. Учрашув сермазмун ўтди. Шу куни оиласи ночорроқ талабаларга 500 сўмдан ёрдам пули берилди.


Ҳаётда ўз ишида бой тажриба тўплаган Йўлдош ака гўзал анъаналар маскани бўлиб қолган боғни янада кенгайтириш иштиёқи билан яшамоқда. Бу режанинг бир қисми амалга ошди. Ўтган йили баҳорда экилган янги ниҳоллар бўй чўзиб қолди. Янги барпо этилган гулзорларда биргина Ўзбекистонда эмас, чет мамлакатларда етиштирилган гуллар ҳам меҳр билан парвариш қилинмоқда. Боғ фақат манзарали дарахтлардан иборат эмас. Келгусида унинг чеккасидаги бўшликларда ҳам мевали дарахтлар қад ростлайди. Дам олгани келган ишчилар борки, ундан баҳраманд бўладилар.

Йўлдош ака ўзи куч, ғайрат сарфлаётган оромгоҳда ана шундай орзулар билан яшамоқда. Унинг ниятлари тезроқ рўёбга чиқишига биз ҳам тилакдошмиз.

Бекобод шаҳри билан яқиндан танишганимиз сари унинг янги-янги қирралари очилаётгандек туюлди бизга. Шаҳар йил сайин эмас, балки ой сайин ҳафта, кун сайин ўзгариб бормоқда. Хусусан шаҳарда ободончилик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Унинг маданий қиёфаси тобора кўркамлашмоқда. Шаҳардаги саноат корхоналарида эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш ишлари тинмай изланиб, янгиликка интилиш кучаймоқда. Биз юқорида ана шу ўзгаришларнинг бир заррасини келтириб ўтдик, холос. Катта ишлар ҳали олдинда. Шаҳарда осойишта, шу билан бирга қайноқ ва жўшқин ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Фидокорона яратувчилик меҳнатининг, олиб борилаётган катта ташкилий ишларнинг самарасини ҳар қадамда сезиш мумкин. Бутунги Бекобод ҳаёти ҳақида ҳар қанча ёзсак ҳам оз. Биз бу навқирон саноат шаҳри ишчилари, барча меҳнаткашлар, хусусан газетамизга оммавий тарзда ёзилаётган муштарийларимиз олдида қарздормиз.

Н. НАСИМОВ,
С. ҲАСАНОВ.










Ушбу суратлар Ўзбекистон металлургия заводининг сирланган идишлар цехи, завод ишчилари учун қурилаётган янги сув ҳавзаси, шунингдек, цемент комбинатидаги клинкер цехи, шу корхона ёнида барпо этилаётган физкультура-соғломлаштириш комплексида, шаҳар истироҳат боғида ҳамда ўн минг ўринли АТСда олинган.

Суратказ В. ХАРИТОНОВ.









ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● ЯҚИНДА «Нью-Йорк таймс» рўзномасида чоп этилган мақолада Россия, АҚШ маъмурияти норозилигига қарамай, икки ёки учта сувости кемасини хорижий мамлакатларга сотмоқчи эканлиги айтилган эди. АҚШ давлат котиби вазифасини бажарувчи Лоуренс Иглбергер Россия ҳарбийларининг Эронга дизель моторли сувости кемаларини сотиш ниятидан қаттиқ ташвишда эканлиги ҳақида баёнот берди. Юқорида қайд этилган мақолада айтилишича, Эроннинг янги сувости кемаларига эга бўлиши унинг минтақадаги бошқа давлатларга қараганда тажовузини кучайтиради. Келажакда Эроннинг бундай кемалари Ғарб давлатларининг Форс кўрфазида сузиб юрган савдо кемаларига ёки денгизда навбатчиликда турган сувости кемаларига катта хавф солиши мумкин. Чунки, бу тоифадаги сувости кемалари минтақадаги бирон бир давлатда йўқ. Лоуренс Иглбергер Россиянинг Эронга сувости кемаларини сотиш тўғрисидаги масалани биз Россия олдига кўндаланг қилиб қўямиз, деб айтди.

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари конгрессининг мувофиқлаштирувчи комиссияси собиқ СССР таркибига кирувчи республикалар — янги мустақил давлатларга иқтисодий ёрдам бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Мазкур ҳужжат сенат ва вакиллар палатаси қабул қилган илгариги икки қонун лойиҳасининг келишимли муқобилидир. Қонун лойиҳасида таъкидланишича, АҚШ 1993 йилда янги давлатларга кўпи билан 460 миллион доллар ёрдам бериши мумкин.

● БОЛГАРИЯ меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлигининг демография муаммоларига оид текширишлари натижаларига кўра саҳифасида босиб чиқарган «Дума» рўзномасининг ёзишича, болгарларнинг сони йилдан-йилга камайиб, миллат қарий бошлаяпти. 2040 йилга бориб, болгарлар 1 миллион 137 минг кишига камаяди. Ҳозир мамлакатда 8 миллион 629 минг киши доимий равишда истиқомат қилиб турибди.

● ФРАНС пресс ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Нигериянинг С-130 «Геркулес» ҳарбий транспорт тайёраси Лагос шаҳри яқинида фалокатга учради. Мамлакат президенти маҳкамасида самолётдаги 160 йўловчининг ҳаммаси ҳамда экипажнинг уч аъзоси ҳалок бўлганлиги маълум қилинди.

● БУЮК Октябрь ватанидаги кейинги пайтларда бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар, афтидан, эътиқоди мустаҳкам Ҳиндистон коммунистларининг мафкурасига унчалик таъсир этмаган кўринади. Ган шундаки, Ҳиндистон компартияси Сиёсий бюроси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 75 йиллигини тантанали равишда байрам қилиш тўғрисидаги қарорини расмий равишда эълон қилди.

● ЯПОНИЯНИНГ «Тосиба» компанияси мутахассислари чумоли кўзандек келадиган электромагнитли двигател яратдилар. Ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, ушбу мўъжизанинг айланаси 0,9 миллиметр, оғирлиги атиги 4 миллиграммдир. Митти двигателлар истиқболда тиббиёт ва электроника соҳасида кенг қўлланиши мумкинлигини назарда тутсак, япон олимларининг кашфиётн жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

● АРАБ мамлакатларидаги энг баланд телеминора Ироқнинг Анбар вилоятидаги Тирбил деган жойда қуриладиган бўлади. Баландлиги 320 метр келадиган ушбу иншоот келгуси йилнинг июль ойигача қуриб битказилади.

● ПОКИСТОННИНГ собиқ вилоят вазири Омонуллоҳ Кундий бошига кўз қуриб, қулоқ эшитмаган савдо тушди: у оломон ичида сазойи қилдирилди, ўн дарра урилди. Ган шундаки, у ўтган йили март ойида Карочи шаҳрида 50 килограммлик қора дори — героинни воситачига пуллаётган пайтда қўлга тушган эди. Таниқис молга талашиб-тортишиб, катта пул тўлаган кимса полициянинг айғоқчиси бўлиб чиқди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БИРИ-БИРИГА ҚОНДОШ, БИРИ-БИРИГА ЖОНДОШ

Қирғизлар билан ўзбеклар азал-азалдан ери-ерига туташ, дили-дилига яқин, қондош, жондош халқлардир. Қирғизистон ўзбеклари қирғизлар билан, Ўзбекистон қирғизлари ўзбеклар билан елкама-елка туриб, ҳар икки мамлакат истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

— Яқинда Бишкек шаҳрида дунё қирғизларининг жаҳон анжумани ўтказилди. Унда ўттиздан ортиқ мамлакатдан келган қирғизлар, жумладан, Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Орамизда ўзбек оғаларимиз ҳам бор эди. Бизни жуда самимий кутиб олишди, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда Республика қирғиз миллий-маданий марказининг раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академияси тилшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Суюн Қораев. — Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедов билан мени Қирғизистон дорилфунунининг фахрий профессори этиб сайлашгани шундан далолатдир. Айни вақтда ватанимизда инқилобдан олдин ва ундан кейин — 30—40-йилларда маълум сабабларга кўра ҳижратни ихтиёр этган биродарларимиз билан учрашдик, дил-дилдан гурунглашдик. Анжуман кунлари бизни кўп жойларга олиб боришди. Иссиққўлни томоша қилдик, яқинда рўй берган табиий офат — зилзила маркази Тўхтағулда бўлиб, оғир кунлар бошига тушган қариндошуруғларимизга ҳамдардлик билдирдик. Марказимиз уларга моддий ёрдам бериш ниятида.

— Марказингиз Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қирғизларнинг бошини бир ерга қовуштириб, анчагина савобли ишларни амалга ошираётганидан хабаримиз бор. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Ўзбекистонда қирғизлар орасидан кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, муаллимлар, шифокорлар ва бошқа касб эгалари етишиб чиққанидан хабарингиз бор. Исҳоқ Раззоқов, Азиз Тўхтабоев, Саттор Усмонов ва бошқалар шулар жумласига киради.

Саттор Усмонов — чўлқувар, у ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери Мирзачўлда ишлаб келяпти. Ҳозир Зомин туманидаги ғаллачилик ва чорвачилик хўжалигини бошқармоқда. Унинг шогирдлари жуда кўп. Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги ўнта давлат хўжалигига С. Усмонов тарбиялаб етиштирган қирғиз йигитлари раҳбарлик қилмоқда. Азиз Тўхтабоев эса Тошкент давлат 2-тиббиёт институтида иқтисод фанидан дарс беради. У Й. Охунбобоев, У. Юсуповлар билан ишлаган. Яқинда Ўртачирчиқ районидаги Кавардон қишлоғида қад кўтарган, қирғиз тилида ўқитиладиган янги мактабга меҳнат қаҳрамони, профессор Азиз Тўхтабоев номи берилди. Бу тадбирлар, шубҳасиз, икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик, қон-қардошликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Суҳбатдошимиз Суюн Қораевнинг ўзи қирғиз бўлатуриб, ўзбек тилининг билимдони, унинг тадқиқотчиси эканлиги икки халқнинг бир тан, бир жонлигидан далолат беради.

(ЎзА мухбири).

ҲАМ ТАРБИЯ, ҲАМ ДАВО МАСКАНИДА

1962 ЙИЛИ Чинозда сил билан касалланган болаларни ҳам даволаб, ҳам ўқитиб тарбиялайдиган сиҳатгоҳ барпо этилганди. Ўтган давр мобайнида бу ердан шифо топиб, таълим олган минглаб ўқувчилар ҳозирги пайтда оналик, бола-чақалик бўлишиб, ижтимоий турмушнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишмоқда. Айримлари эса мактабда қолиб меҳнат қилишмоқда. Жўра Аъзамов, Фотима Гадиева, Елена Нестеровалар шулар жумласидандир.

Яқинда сиҳатгоҳнинг ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати билан катта шодиёна, тантана бўлиб ўтди. Эрта тонгданоқ карнай-сурнай, ноғораю-доира садоси меҳмонларни сиҳатгоҳга чорлади.

Аслида «Сиҳатгоҳ» деганда «Соғломлаштириш масканн»ни, «Интернат» деганда ётиб ўқиладиган мактабни тушунамиз. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ночорлашиб қолган кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг болалари ҳам шу ерда, гарчи улар соғ-саломат бўлсалар ҳам, ўқитилмоқда. Мактаб сиҳатгоҳида 30 гектарлик ёрдамчи хўжалиги, 2 гектарлик боғи ҳам бор. Бу масканда 325 бола 16 та синфга бўлиниб таълим олади. 8 та синфда ўзбек тилида, 8 таси ўрис тилида ўқитилади. Бу ерда 25 ўқитувчи ва 15 тарбиячи, 10 та тиббиёт ходими, 15 та энага доимо болалар билан бирга. Уларнинг юриш-туриши, билим олиши, соғлиги, кийиниши, овқатланишидан мунтазам хабар олишади.

Сиҳатгоҳнинг 30 йиллиги ва бу масканга кўп йиллик меҳнати сингган тажрибали педагог, республика хизмат кўрсатган ўқитувчи Қосим Каримов номи берилишига аталган тантаналарга йиғилганларни Чиноз район Ҳокими У. Умаров шу мактаб-интернатнинг директори М. Давроновлар қизғин қутладилар. «Олмазор» юмшоқ мебель ишлаб чиқариш корхонаси сиҳатгоҳ болаларига тўлиқ жиҳозланган мебель турини ҳадя этди. Шунингдек, «Эски Тошкент» масжиди имом хатиби Илҳомжон ҳожи Суннатилло ўғли Асатиллаев ҳам иштирок этиб тантана қатнашчиларига муборак Ҳадиси шарифдан намуналар ҳамда Қуръони Каримдан таълим-тарбияга оид сураларни айтиб, тиловат қилди.

Тантаналар зўр байрамона кайфиятда ўтди. Сиҳатгоҳ мактаб интернатининг ҳаваскор болалари куйлаган қўшиқлар ва рақслар ҳаммани хушнуд этди.

Халқимизда «Бола азиз — одоби ундан азиз» ёки «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» каби доно нақллар бор. Зеро, боланинг тарбияси бошидан. Сиҳатгоҳдаги бу борада олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

Т. ЕРҚУЛОВ.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Пайшанба, 1. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалбим эъзози». Дилрабо концерт.
8.00 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
9.10 Турк тили.
9.40 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Умид» (ўйғур тилида).
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Асалари бўлган экан...». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда». Телефильм.
19.40 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Толибжон Содиқов таваллудининг 85 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 «Қоплоннинг учинчи сакраши». Бадиий фильм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум».
19.00 «Театр учрашувлари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Жалейка нималар ҳақида йиғлади!» («Отечество» киностудияси), «Ассоциация» (Сиктивкар).
11.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жаноби олийларининг адъютанти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.35 «Ковбойлар». Фильм-балет.
13.55 «Утиб бораётган ёз...». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.40 «Тарих ва одамлар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Қўшни ўлка тароналари». Қозоқ куйларидан концерт.
18.50 Мультфильм.
19.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 «Менинг ҳаётимда...». Телефильм премьераси («Экран»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ясная Поляна қўшиқлари».
22.05 Рукн премьераси. «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
22.20 Ҳалқаро мусиқа кунига. «Тикланиш».
23.20 «Телескоп».
24.00 Янгиликлар.
00.35 «Севги формуласи». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
9.05 Чет эл композиторлари ижодида халқ қўшиқлари (Гершвин). Халқаро мусиқа кунига.
10.05 Футбол. УЕФА кубоги. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Киев).
11.40 Кипрас Мажейка. «НАТОдан репортажлар». 7-сони.
12.10 «Тириқчилик».
12.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 80-серия.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
15.55 «Сигнал».
16.10 Мульти-пульти. «Икки рицарь», «Дайди тўтининг қайтиши», «Тулпорим, қаердасан?».
16.40 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
*
17.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Келинг, аниқлаб олайлик».
22.45 «Осойишта уй».
23.45 Футбол. УЕФА кубоги. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Киев). Венадан кўрсатилади. 2-тайм.
00.30 «Осойишта уй» (давоми).

Жума, 2. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бахтиёр». Фильм-концерт.
8.05 «Қоплоннинг учинчи сакраши». Бадиий фильм.
9.30 Араб тили.
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Булутли ўлкаларда сайр». Мультфильм.
18.20 «Боғбон ва соҳибкорларнинг долзарб вазифалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Қонунчиликдаги янгиликлар.
19.50 Мумтоз куйлардан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Умр мазмуни». Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига. Фильм премьераси.
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.20 Пахта терими кундалиги.
22.35 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
23.35 «Снёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.
00.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

19.05 «Хўтикча». Мультфильм.
19.15 «Байкем, эжем жана биз».
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Сиз ўзингиз кимсиз доктор Акромов!» («Қирғизтелефильм»).
20.10 «Укун» программаси.
20.40 «Сен суйган обон». Усен Содиқов.
21.30 «Ала-Тоо».
21.50 «Куйдургу эле куйдургу». М. Алибоев туғилган кунининг 75 йиллигига.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.55 «Эчки ҳақида». Мультфильм.
11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жаноби олийларининг адъютанти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4 ва 5-сериялар.
14.40 «Лаббай, сизни эшитяпман». Мультфильм.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 А. Майкапара чалади (клавесин).
17.15 «Рус баронининг қинғир тақдири». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Снёсат» студияси кўрсатади: «Мўътабар шахс». А. Сокуров.
18.55 «Парвона». Мультфильм.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.35 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 12-серия.
20.00 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Детективлар клуби»да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Шим». Бадиий фильм («Ленфильм»).
22.45 Объективда — жониворлар. «Қўтос». Илмий-оммабоп фильм.
«ВИД» таништиради:
23.05 «Фаберже олами».
23.15 «Музобоз».
00.35 «Авто-шоу».
00.50 «Ҳа».
01.20 «МТВ». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Нота бене» студияси.
9.35 Ишдан бўш пайтингизда.
9.50 «М-трест».
10.05 «Осойишта уй».
12.00 Вариацияли мавзу.
12.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 81-серия.
13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
15.30 Телебиржа.
16.00 «Қора барон ҳақида икки оғиз сўз айтиб қўйинг».
16.15 «Қўшиқ қаерга кетади?».
16.45 Олег Митяев қўшиқлари.
*
17.00—18.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.40 Жума кунлари Уолт Дисней. «Спунер». Бадиий фильм. 1-серия.
19.30 Мульти-пульти.
*
19.55—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Кечки салон.
23.55 Эълонлар.
24.00 Бизга номаълум Россия. М. Цветаева туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланади.
00.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
01.00 «Кузатувчи». Бадиий фильм.

Шанба, 3. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-серия.
9.05 «Менинг доирам». Болалар учун концерт.
9.35 Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Видеофильм.
10.45 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Бекобод ва бекободликлар».
11.10 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
12.00 «Мулоҳаза». Мусиқий театрлар ҳақида.
13.00 Тижорат канали. «Данак ёғининг мўъжизаси».
* * *
17.00 Футбол. Осиё кубоги. Қирғизистон — Ўзбекистон миллий терма жамоалари. Бишкекдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
18.50 «Қуёшнинг кўз ёшлари». Мультфильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
19.30 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Туркистон» ахборотн.
21.00 «Санъат усталари». Халқ артисти Қундуз Миркаримова.
*
22.30 «Снёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

11.05 Мультфильмлар тўпламн.
11.50 «Дўстим йўқолиб қолди». Болалар учун фильм.
13.00 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
* * *
17.05 «Иқтисодиёт ва ҳаёт».
17.50 «Мукам вагтн». Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви (рус тилида).
18.15 Телетеатр.
19.15 «Гиламнигнинг жилолари». Телефильм.
19.30 «Осиё овози». Концерт.
20.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
20.15 Кичкинтойлар, сизлар учун!
20.30 Туркманистон мустақиллигининг бир йиллигига. «Яплам днярим». Телетанлов. Марий вилояти. Кўрсатув тугагач —Футбол. Туркманистон чемпионати. «Копетдағ» (Ашғабат) — «Небитчи» (Небитдағ). 2-тайм.

● «ОРБИТА IV»

6.40, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Дастлабки скрипка». Мультфильм.
9.20 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.45 «Эльдорадо».
10.15 «Саҳна ортидан. Табассум билан».
10.35 «Инсон институти».
11.05 «Диққат: ёшларнинг Х...».
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Услуб».
12.25 «Қайтиш».
13.25 «ВИД» таништиради: «Иш».
13.50 «Колима. Бир трест тарихи». Уч серияли телефильм премьераси. 1-фильм («Ленфильм»).
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Муҳаббатнинг мангу қўшиғи». Киноконцерт.
16.20 «Мушукнинг уйи». Мультфильм.
16.35 «Саҳифаларни варақлаб». Цирк томошалари.
17.35 «Қизил квадрат».
18.15 «Театр+ТВ».
19.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Висбаденга саёҳат». Бадиий фильм («Ладья»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25. «Брэйн ринг».
22.15 «Юмор антологияси». Овоз тақлидчиси Ю. Григорьев.
22.55 «Хива». Телефильм.
23.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Ибодатхона томон йўл».
8.50 Ногиронлар спорт фестивали.
9.10 «Агар сиз...».
9.40 «Сергий Радонежский». 2-фильм.
*
10.25—13.40
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Ҳамдўстлик» кўрсатуви.
«Бизнен мирас» (татар тилида).
«Қизиқувчилар олами».
«Дидар» (қозоқ тилида).
«Интерспорт».
*
13.40 Кундузги сеанс. «Ушанда мен йўқ дегандим». Бадиий фильм.
14.55 Эълонлар.
15.00 «Бахт кулиб боққанда».
15.15 «Утмишдан келажакка. Жанубий Корея».
15.55 Россия қобусномаси. «Ёшлигимизда ўйнаб-кулиб қолайлик». Олим, профессор Юрий Михайлович Лотман тақдири ҳақида.
16.35 Футбол чегара билмайди.
*
17.30—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 «Бир кўриниш»ла. Ахборотдам олиш кўрсатуви (Франция).
*
21.10—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Ретро-шлягер».
22.50 «А» программаси, «Флеш-квартет» гуруҳининг концерти (Швеция).
00.20 «Тилла шпора».

Якшанба, 4. X

● ЎзТВ I

7.00 Бахтиёр Тўлаганов куйлайди.
7.40 Телефильм.
8.00 «Туркистон» ахборотн.
*
8.30 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-серия.
9.55 «Кичкина деманг бизни...». Спорт кўрсатуви.
10.25 Болалар учун. «Ўйин, Назокат».
10.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
11.45 Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Рвъно Ҳидоятовнинг ижодий кечаси.
12.25 «Китоб ва ҳаёт».
13.05 Саид Аҳмад. «Куёв». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
* * *
18.00 «Петяниинг орзуси». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.40 «Тараддуд». XI Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилояти мусиқий драма театрининг спектакли.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мезгил бектин мезгили», «Бобок сенин жомогун», «Оспурум», Бадиий фильм. «Мовий кўзли тахтадевор».
* * *
18.05 «Чўртан балиқ амри билан». Мультфильм.
18.20 «Киномеридиан». 1-қисм.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Киномеридиан». 2-қисм. «Тутқинлик». Бадиий фильм (рус тилида).
21.30 «Кадырман Карыларын». Абдурасул Осмонов кечаси.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 15.15, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Эрта саҳарлаб».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Давлат «Марий эл» рақс ансамблининг концерти.
9.15 «Тонг юлдузи».
10.05 «Пи» белгиси билан».
10.55 «Янги авлод таилайди».
11.45 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм.
12.45 Киноҳақиқатми? «Ёркин йўл». Бадиий фильм («Мосфильм», 1940 й.).
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мультфильм.
15.30 «Саёҳатчилар клуби».
16.20 «Вокал тандеми». Л. Паваротти ва З. Соткилава.
16.30 «Уолт Дисней таништиради...».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
Якшанба кинокўрсатуви
19.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Уруш». Бадиий фильм (АҚШ, 1976 й.).
*
21.00 Футбол. Россия чемпионати. МАСК — «Спартак». 2-тайм.
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Матадор».
24.00 Янгиликлар.
00.15 «Театр учрашувлари».
01.15 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
8.50 «Келгуси йилда бизни нималар кутяпти?». Ўқитувчилар кунига.
9.20 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.35 «Хоҳ ишонинг...».
10.05 «Маски-шоу».
10.35 «Эскулап» программаси «Қизчалар ва болакайлар, сизлар учун» фильмини таништиради (Голландия).
10.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.15 «Кироллиқдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 6-серия.
*
11.45—15.05
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Ягона оилада».
«Полянлар меҳмонхонаси».
«Рангинкамон» (тожик тилида).
«Бекобод ва бекободликлар».
Цирк программаси.
«Дўстлар даврасида». Озарбайжон миллий маданият марказининг фаолияти ҳақида.
15.05 «XX аср кадрда ва надр ортида». А. А. Ханжонков. 2-қисм.
16.05 «Ҳали англанмаган конот». «Наука и религия» журнали ҳузурида меҳмонда.
16.50 «Ҳайвонот оламида».
17.50 «Ҳар бир кун байрам».
18.00 Хабарлар.
18.20 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 4-серия.
18.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Талса».
00.35 Катталар учун мультфильм. «Қўшиқчи ҳақида қисса».
00.55 «Голливудга борадиган поезд». Бадиий фильм.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 25 сентябрь сонидан олинди.

● *Футбол* ●

«ШИФОКОР» МАЙДОНГА ТУШДИ

Бир пайтлар Чинозда футболга ва спортнинг бошқа турларига астойдил қизиқишарди. Шундоққина темир йўл ёқасида ҳашар йўли билан қурилган улкан ўйингоҳда катта мусобақалар ўтказилган. Кейинчалик давр ҳам, раҳбарлар ҳам ўзгарди, ўйинчилар тарқаб кетди. Уларни йиғиб, команда тузадиган, район шарафини ҳимоя қиладиганлар эса топилмади. Бўлмаса «Оқ олтин» футбол жамоаси Чиноза бир эмас, бир неча марта обрў олиб берганди. Чиноздиклар Оҳангарониинг «Ғаллакор», Нурободнинг «Автомобилист» жамоаларини йирик ҳисобларда мағлубиятга учратишган эди. Алишер Лапасов, Юсуф Ҳайдаров, Маҳаммаджон Акбаров, Зоҳид Нурматов, Заур Умрзоқов, Абдуғаффор Абдураҳмонов, Мурод Жалилов, Аваз Аъзамхўжаевлар, мураббий Вали Шерматов, дарвозабон Ашир Ерхўжаевлар маҳоратларига кўпчилик тан берганди.

Кейин «Оқ олтин»га мураббийликни Санджалол Шокирхўжаев ўз зиммасига олди. Бироқ, ҳамма гап айланиб маблағ масаласига тақалганда жамоанинг қўли калталик қилиб қолди. Тасодиф бўлдию, устознинг омади юришди: район маркази шифохонасининг бош врачи Анвар Раҳматуллаев ҳамкорликда ишлашни таклиф этди. Улар шу масалада район ҳокими Усмонали Умаров ҳузурига кириб, диллари ёришиб чиқдилар. Қарангки, ҳоким ҳам ашаддий футбол мухлиси экан, қандай ёрдам керак бўлса биз тайёрмиз, фақат сизлар районимиз шарафини астойдил ҳимоя қилсангизлар бўлди, деди.

Шундай қилиб, «Оқ олтин» «Шифокор» командасига айланди, марказий шифохонанинг асл ўйинчи йигитлари танлаб олинди. Тиббиёт ходимлари район касаба уюшмаси Кенгаши раиси Рўзибой Нуруллаев ўйинчилар учун 8 минг сўмга кийим олиб берди.

«Шифокор» устози С. Шокирхўжаев шундай дейди:

— Биз қатнашаётган «А» гуруҳида 12 та жамоа жумҳурият биринчилигининг 2-лигасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Шуларнинг ичида 3 та жамоа финалга чиқади. Ҳозир биз ўз гуруҳимизда 3—4 ўринларни эгаллаб турибмиз. Ўйинчиларимизни рағбатлантириш учун яхши ишлар қилинмоқда: агар ғалабага эришилса ҳар бир ўйинчига 100 сўмдан мукофот берилади.

Район марказий шифохонаси бош врачи Анвар Раҳматуллаев:

— Ўйинчиларимизни мусобақалар ўтказиладиган жойларга етказиб бориш қийнаб келар эди. Бу масалада район ҳокими Усмонали Умаров ёрдам берди. Энди махсус автобус ажратилди.

Район ҳокимлигининг эътибори катта, давлат ва жамоа хўжаликлари ҳам моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. «Эшонобод» жамоа хўжалиги (раиси Есжон Ерхўжаев), Амир Темур номли жамоа хўжалиги (раиси Турғунбой Ботиров) «Шифокор»ни ҳисобига 10 минг сўмдан пул ўтказишди.

Хуллас, «Шифокор» куч тўплаяпти, белини маҳкам боғлаб мусобақа майдонларига тушяпти. Биз ҳам унга омад, жамоа устози Санджалол Шокирхўжаевга эса куч-ғайрат тилаймиз.

О. МАЪМУРОВ.

СУРАТДА: «Шифокор» футболчилари. (Чапда) Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси район кенгаши раиси Р. Нуруллаев ҳамда Санджалол Шокирхўжаевлар (ўртада) «Шифокор» футболчилари билан.

Собир НИШОНБОЕВ сурати.



«ЙШОНЧ» ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАМАТ

«ИШОНЧ»ни танийсизми? Танимасангиз 3 октябрь куни Тошкентдаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғига келинг. Бу ерда барча касаба уюшмалари аъзоларининг минбари бўлмиш «ИШОНЧ» газетасининг биринчи фестивали бўлади. «Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик» деган инсонпарварлик даъвати билан чиқаётган газетанинг фестивали ҳам шу шиор остида ўтади.

Шу куни сиз газета ижодкорлари билан яқиндан танишасиз, «ИШОНЧ» мундарижасини янада бойитишга қаратилган фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз, куй ва қўшиқлар тинглаб дам оласиз, бир пиёла чой устида дилтортар дўстлар билан суҳбат қурасиз, куз неъматларидан баҳраманд бўласиз.

Анжуман дастури гоят ранг-баранг. «ИШОНЧ» дўстлари — республика халқ ҳофизлари Очилхон Отахонов, Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, таниқли хонандалар Комилжон Баратов, Муҳриддин Ҳолиқов, Маҳмуджон Азимов, «Зарафшон» дастаси ва бошқа ижодий жамоалар фестивалга файз киритишади. Ҳозир тақчил бўлиб турган маҳсулотлардан савдо ярмаркалари ташкил этилади. Халқ табобати мутахассислари ва ҳуқуқшунослар сизларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришади. Танловлар, викториналар, мусобақалар уюштирилади.

Анжуман дастури кун бўйи янгиланиб туради, ташкилотчилар ҳеч кимни зерикишга қўйишмайди. Боғга ташриф буюрган катта-кичик ҳамшаҳарлар ва шаҳримиз меҳмонлари кун бўйи дам олиш билан бирга дастурда мўлжалланган тадбирларда ҳам бевосита иштирок этиб, ўз истеъдодларини тўла намойиш қиладилар. Бунинг учун барча шароитлар яратиб берилади.

Қелинг дўстлар, сўлим боғ қўйнида яйраб, қалбларни қувончга тўлдирайлик.

«ИШОНЧ» барчангизни ўз фестивалига таклиф этади!



Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Нашр кўрсаткичи: Г-398. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.50. 31730 нусха босилади.